HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

# TOSHKENT HAQIQATI

VILOYAT IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

2023-yil
5-avgust
SHANBA
№ 56 (13615)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 Haqiqat online haqiqatonline_ QR-kod

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЯНГИ САНОАТ ЛОЙИҲАЛАРИГА КАТТА МАНЗИЛ БЎЛАДИ

***Президент Шавкат Мирзиёев 2 август куни Тошкент вилоятига ташриф буюриб, йирик саноат мажмуалари ва спорт объектлари билан танишди, янги корхоналарни ишга тушириш маросимида иштирок этди.***







Ташриф “Ангрен” эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар фаолияти билан танишишдан бошланди.

2012 йилда ташкил этилган мазкур иқтисодий зона сўнгги йилларда ҳам ҳудуд, ҳам салоҳият жиҳатидан кенгайди. У Ангрен шаҳри, Оҳангарон шаҳри ва тумани, Бекобод шаҳрининг бир қисмини қамраб олган. Бугун ушбу зонада 76 та корхона, уларда 11 мингдан зиёд аҳоли ишламоқда.

Улардан бири – “Premier elektrotech” масъулияти чекланган жамиятининг 23 миллион долларлик лойиҳаси. Ўтган йили декабрда ишга тушган бу корхона йилига 100 минг дона кир ювиш машинаси ва 200 минг дона совутгич ишлаб чиқариш ҳамда 1 миллион долларлик экспорт қувватига эга. 350 киши иш билан таъминланган.

Бу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, уни кенгайтириш учун қурилиш олиб борилмоқда. Иккинчи босқич шу йил декабрда фойдаланишга топширилади ва иш ўринлари 450 тага етади.

Жамият томонидан, шунингдек, телевизор, кондиционер каби бошқа маиший техникалар ҳам ишлаб чиқарилади. Рақобатбардош бу маҳсулотлар МДҲ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Оҳангаронда тайёр саноат инфратузилмаси борлиги, бу хорижий инвестициялар жалб этиш учун катта имконият эканини таъкидлади. Шу каби корхоналарни кенгайтириш мақсадида электротехника саноати зонасини ташкил этиш таклифи билдирилди.

Оҳангарон металл қувурлар заводининг жойи беш йил олдин унумсиз дала эди. 2018 йилдан бошлаб саноат мажмуаси барпо этилди. 49 миллион долларлик бу лойиҳа учун ускуналар Туркиядан олиб келинди. Йиллик 205 минг тонна металл маҳсулотлар тайёрлаш қуввати яратилиб, 250 та иш ўрни барпо этилган. Жорий йилнинг 6 ойида қарийб 4 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

“Silk plast quality” корхонасида йилига 13 минг тонна полимер қувурлар ва фитинг маҳсулотлари тайёрланади. 78 кишининг бандлиги таъминланган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмасини кўздан кечирди. Янги лойиҳаларни шакллантириш, аҳоли бандлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

“Ангрен” эркин иқтисодий зонасида яна 42 та лойиҳа бўйича ишлар бошланган. Уларда 5 мингдан зиёд иш ўрни очилади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Юқори Чирчиқ туманида барпо этилётган Футбол бўйича миллий терма жамоалар марказини бориб кўрди.

Бу марказ Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси (ФИФА) билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Ҳозирда 8 минг ўринли стадион қурилган. Яна 7 та машғулот майдони, пляж футболи майдони, футзал манежи, бассейн, реабилитация мажмуаси ва ётоқхоналар қурилиши режалаштирилган.

Соҳа мутасаддилари билан суҳбатда миллий футболимизга хориждан малакали техник директор олиб келиш, футбол тузилмасини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Жиззах, Наманган ва Тошкентда минтақавий базалар ташкил қилиш, мураббийлар мактабини такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Президент ёшлар орасида футболни янада оммалаштириш, уларга шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

– Ўзбекистонда футбол энг севимли спорт тури. Ҳар ўнта одамдан тўққизтаси унинг мухлиси, деса бўлади. Бу оммавийликдан фойдаланиб, футболни тубдан ривожлантириш керак. Масалан, юртимизда 10 мингта мактаб бор, 208 та туман-шаҳар бор. Хўш, мактаб, маҳалла, жамоаларда футбол қандай бўлади? Иккинчидан, футболга меҳр қўйган болалар ўз йўлини топиши учун нима қилишимиз керак? Учинчидан, ёшлар футболдан кетгандан кейин нима билан шуғулланади, уларга қўшимча касб-ҳунар беришни ҳам ўйлаш зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ёш футболчилар билан ҳам суҳбатлашди.

– Халқимизнинг спортга меҳри кучли. Айниқса, футбол «оилавий дўстимиз». Миллий терма жамоамиз ўйинларини ҳаммамиз ғурур, фахр, ҳаяжон билан кузатамиз. Сизлар оилада ота-онангизнинг фарзанди бўлганингиз билан майдонда халқимизнинг фарзандисизлар. Ана шуни доим ёдда тутинг, – деди Президент.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## Кун тасвири




**ПИСКЕНТ туманида** "Маънавият ва маърифат маскани"нинг очилиш маросими бўлди. Унда сўзга чиққанлар ушбу маскан аҳоли учун чинакам маънавият ўчоғига айланишини таъкидлашди. Бинони жиҳозлаш ва китоблар учун 50 миллион сўм маблағ ажратилди.



**ЯНГИЙЎЛ шаҳар** ҳокимлиги томонидан "Олмос" ва "Янги ҳаёт" маҳаллалари ҳоким ёрдамчиларининг тавсиясига асосан 11 нафар ишсиз аёлга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун субсидия асосида тикув машиналари топширилди.



**ҚУЙИ ЧИРЧИҚ туманининг** “Минг чинор” маҳалласида янги боғча иш бошлади. Боғчага “Ҳар бир оила – тадбиркор” лойиҳаси доирасида 33 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилди ва 10 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди.



**ОЛМАЛИҚ шаҳрида** "Соғлом ҳаёт учун 5000 қадам" тадбири ўтказилди. Марафонда нуронийлар, ёшлар ҳамда шаҳар фаоллари 5000 қадам босиб ўтиб, бадантарбия машқларини бажаришди.



**БЕКОБОД шаҳрининг** мутасадди ташкилотлар раҳбарлари "Бекобод деҳқон бозори" ҳудудида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши, бозорнинг санитария-гигиеник ҳолати ва сотувчи-харидорларга яратилган шароитларни ўрганишди. Аниқланган камчиликлар бўйича масъулларга вазифалар юклатилди.



Кексалар саломатлиги ойлиги

**Жорий йил 1 августдан 1 сентябргача мамлакатимизда “Кексалар саломатлиги ойлиги” деб эълон қилинди. Бу даврда юртимиздаги отахон ва онахонлар малакали шифокорлар томонидан ўзлари истиқомат қилаётган ҳудудда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади.**



## Пири бадавлатларимиз ЭЪЗОЗДА

Хусусан, акция доирасида Тошкент вилоятидаги 55 ёшдан ошган 306 мингдан зиёд пенсия ёшидаги нуронийлар соғломлаштирилади. Натижаларга мувофиқ, аниқланган касалликлар бўйича давлат кўмагида кексаларнинг соғлигини мустаҳкамлаш чоралари кўрилади.

Ўткир ва сурункали хасталиклар қайд этилган катта ёшли беморлардан бир гуруҳи бирламчи бўғиндаги кундузги шифохоналарда амбулатор шароитда, стационар ёрдамга муҳтож қатлам эса туман, шаҳар ҳамда вилоят миқёсидаги тиббиёт муассасаларида даволанади.

Юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга эҳтиёжи бор кекса ёшли беморларга вилоят ва республика муассасаларига имтиёзли йўлланмалар тақдим этилади.

Айни кунларда энг чекка ва чегара ҳудудларда ҳам сайёр тиббий бригадалар томонидан чуқурлаштирилган текширувлар ўтказилмоқда.

**Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати**

## КАФОЛАТЛАНГАН ПАКЕТ ОЛДИНГИЗМИ?

Янги тизим

Яқинда маҳалламиз патронаж ҳамшираси хонадонимизда рўйхатда турувчи оила аъзоларининг паспорт нусхаларини сўраб қолди. Нимага керак десам, давлат тиббий суғуртаси учун рўйхат шакллантирилаётганини, агар рўйхатдан қолиб кетсак, келгусида пуллик хизмат кўрсатилишини айтди. Ҳайрон бўлиб, янги тизим билан қизиқдим.

2

Китоб жавонингизга




## “ГАЗЕТА – ЎҚИШ УЧУН ЧОП ЭТИЛАДИ”

**Яқинда “Тошкент ҳақиқати” газетаси саҳифаларида ўзининг турфа мақолалари билан қатнашиб келаётган Алишер Тоировнинг шу номдаги китоби босмадан чиқди. Хаёлингизга: “Ҳа, муаллиф шу соҳанинг одами эканда” деган фикр келдими? Лекин ундай эмас. Алишер Тоиров – иқтисодчи. Аммо унинг газетага қизиқиши ва муносабати ўзгачалигини китобни ўқигач англаш мумкин. Муаллиф китобда бугунги куннинг ҳам долзарб, ҳам оғриқли масаласига ечим излаган.**

“Болалигимда, уйдаги газеталарни варақлаб, суратларини томоша қилишни хуш кўрардим. Ўқишни билмаганим учун ҳам суратлари бор газеталар мен учун “энг зўри” бўларди. Айниқса, дўппи кийган фариштасифат инсоннинг кўриниши мени ўзига ром этганидан бир газетани кўпроқ томоша қилардим. Вақт ўтиб, ҳарф таниб, алифни ҳассадан фарқлай билиб, ўқий бошлаганимдан сўнг билдимки, бу газета “Тошкент ҳақиқати” бўлиб, суратдаги инсон бувам Абдулҳақжон Тоиров экан. Газетадаги бувам ҳақидаги мақолани қайта-қайта ўқиб, ўз аждодларимга бўлган меҳрим ортди. Бунинг учун газетадан умрбод миннатдорман”, деб ёзади муаллиф.

4

Футболчиларда Ватан туйғусини шакллантириш муҳимлиги ҳам таъкидланди.

– Футболчилар дунё кезади, чет эл жамоаларида ўйнайди. Улар Ўзбекистон тарихини, шароитларини яхши билиши керак. Улар бизнинг элчиларимиз, болаларга намуна, – дея таъкидлади давлат раҳбари.

Футбол тиббиёти ва реабилитациясини жаҳон ютуқлари асосида ривожлантириш масалалари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Чирчиқ қишлоқ машинасозлиги кластерига ташриф буюриб, у ерда ишлаб чиқарилган биринчи маҳаллий маҳсулот – универсал трактор билан ҳам танишди.

Бу кластер Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги қарорига асосан ташкил қилинган эди. Машинасозликдаги 5 та корхона қувватлари мақбуллаштирилиб, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи негизида тўлиқ циклли кластер тизими йўлга қўйилди. Бунинг учун қарийб 38 минг квадрат метр янги иншоотлар қурилиб, 35 минг квадрат метрдан зиёд мавжуд бинолар таъмирланди.

Кластер йилига 15 минг дона трактор, тиркама ва бошқа техникалар ишлаб чиқариш қувватига эга. Мингта иш ўрни яратилган. Яна бир муҳим томони, тармоқ корхоналари орасида кооперация кенгайиши, харажатлар ва маҳсулот таннархи қисқаришига эришилган.

Яқинда кластерда биринчи маҳаллий маҳсулот – универсал трактор ишлаб чиқарилди. Президент Шавкат Мирзиёев унинг илк намуналарини кўздан кечирди.

Шунингдек, комбайн ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда. Бу ишларни давом эттириб, импорт маҳсулотларни маҳаллийлаштириш, бу жараёнга хусусий секторни жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

– Қишлоқ хўжалигимизда техникага талаб катта. Бизга арзон, муқобил, тежамкор техника керак. Бунинг учун маҳаллийлаштириш ва таннарх бўйича ишлаш зарур. Деҳқонларга арзон техника етказиб бермасак, манфаатдорлик бўлмайди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари техникаларга хизмат кўрсатишнинг аҳамиятига алоҳида тўхталди.

– Бу кластер фақат сотувчи эмас, хизмат кўрсатувчи ҳам бўлиши керак, – дея таъкидланди.

Тошкент вилояти мисолида сервис масканлари ташкил этиш, ёшларни бепул ўқитиб, сифатли хизматларни йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Кластерда илм-фан ва ишлаб чиқаришни уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, шу мақсадда замонавий илм маркази ишга туширилди. Бу ерда Германия ва Швеция компанияларининг таълим марказлари билан ҳамкорликда узлуксиз дуал таълим шаклидаги ўқув жараёнлари йўлга қўйилган. Шу билан бирга, олий таълим муассасалари талабалари назарий билимларини кластерда амалиёт билан мустаҳкамлаб боради.

Президентимиз маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди, мутахассислар билан суҳбатлашди.





# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЯНГИ САНОАТ ЛОЙИҲАЛАРИГА КАТТА МАНЗИЛ БЎЛАДИ





– Ҳозир жойларда, кластерларда пахтани машинада териш 50 фоизга яқинлашмоқда. Бу йил 6 ойда мева-сабзавотнинг ўзидан 550 миллиондан кўп экспорт қилдик, яқин келажакда 2-3 миллиардга етказмоқчимиз. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида яна лойиҳалар кўп. Уларда маҳсулдорликни ошириш, одамлар меҳнатини енгиллаштириш учун сифатли, хамёнбоп техникалар зарур, – деди Президент.

Кластер фаолиятида муқобил электр энергияси манбаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 20 минг квадрат метр майдонда қуёш батареялари ўрнатилди. Бу кластернинг электр энергиясига талабининг 30 фоизигача таъминлаши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташрифи чоғида "Чирчиқ" кимё-индустриал технопаркида бўлди.

Татаристон Республикаси билан ҳамкорликдаги мазкур технопарк ўтган йил 23 март куни очилган эди. Бугунги кунда 10 миллион долларликдан зиёд 5 та корхона ишга туширилган. Жорий йил якунига қадар қиймати 18 миллион доллар бўлган яна 8 та лойиҳа амалга оширилади.

Хусусан, "Родиум Полимер" масъулияти чекланган жамияти томонидан кўпиклантирилган полипропилен маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Кореялик ишбилармонлар билан биргаликда амалга оширилган бу корхонада йилига 2 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2 миллион долларлик экспорт қилинади.

Шу ерда Тошкент вилоятидаги янги саноат, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа мажмуаларини ишга тушириш маросими бўлди. Булар – Оҳангарон туманидаги "Ташкент Конч цемент", Қуйи Чирчиқ туманидаги "Ташкент коттон текстиль", Юқори Чирчиқ туманидаги "Азия Ташкент Текстиль", "Салюбрис Вита", Ангрен шаҳридаги "Ангрен каолин", "Централ Азия Кемикалс", Нурафшон шаҳридаги "Агро Нью Дрип", Чирчиқ шаҳридаги "Шарқ Тюбс", Паркент туманидаги "Самсарак файз" ва "Шабнам Элегант"лардир. Бу корхоналарда цемент, ип-калава, тўқимачилик, фармацевтика, бойитилган каолин, кимё маҳсулотлари, томчилатиб суғориш шланглари, рангли металлар ишлаб чиқарилади. Умуман, мазкур корхоналарда 3 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади.

Давлат раҳбари рамзий тугмани босиб, янги корхоналарни ишга туширди.

Шундан сўнг, Президент раислигида камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Видеоалоқа орқали уни Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, барча вилоят ва туманлар ҳокимлари ҳам кузатиб борди.

Ўтган йилда Тошкент вилоятида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштириш ҳажми 135 фоизга ўсиб, 480 миллион долларни ташкил қилгани таъкидланди. Шунингдек, ўтган олти ойда инвестиция дастурлари доирасида 240 миллион долларлик 322 та лойиҳа ишга туширилиб, 8 мингта иш ўрни яратилган.

Лекин айрим туман ва шаҳарларда фақат кичик ва ўрта лойиҳалар билан чекланиб қолинмоқда. Мисол учун, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Қибрай, Тошкент, Янгийўл туманлари ва Нурафшон шаҳрида бирорта ҳам йирик лойиҳа йўқ.

Шу боис ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимига йил якуни билан камида 100 миллион доллардан тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилиш вазифаси қўйилди.

Жорий йилнинг олти ойида вилоятда 440 миллион долларлик экспорт амалга оширилган. Саноат ва хизмат соҳаси кўрсаткичлари ҳам ошган. Лекин айрим туман ва шаҳарлар кесимида олганда, тушган. Бу йил қурилиши режа қилинган 114 та кўп қаватли уй-жойлардан ҳозиргача атиги 9 таси фойдаланишга топширилган.

Бу борада камчиликларга йўл қўйган бир қатор раҳбарлар лавозимидан озод қилинди.

Президент жойларда солиқ базасини кенгайтириш учун мавжуд имкониятларни санаб ўтди. Ҳар бир тадбиркорнинг муаммосини ҳал қилишга алоҳида солиқчи масъул бўлиши белгиланди. Солиқ идораларини коррупциядан холи тузилмага айлантириш, ходимларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини яхшилаш долзарблиги таъкидланди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва имтиёзли ресурсларнинг етиб боришини осонлаштириш чоралари белгиланди. Унга кўра, эндиликда ҳоким ёрдамчилари ўзини ўзи банд қилганларнинг кичик ва ўрта бизнесга ўтишига кўмаклашади.

Бунинг учун Япония тажрибаси асосида ҳудудларда бизнес-инкубатор ва акселераторлар тизими жорий этилади. Бунда, салоҳиятли тадбиркорларга дастлабки айланма маблағлари учун "улушдорлик" капитали берилади.

"20 минг тадбиркор – 500 минг малакали мутахассис" дастури асосида 400 минг аҳоли бандлигини таъминлаш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Йиғилиш якунида тегишли вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарларининг ахбороти тингланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Таҳлил

## "ОҲАНГАРОН ТАЖРИБАСИ" ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ



**Бош вазир ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси раиси Зулайҳо Маҳкамова ҳамда қўмитанинг вилоят бошқармаси бошлиғи Зуҳра Миргазиева Оҳангарон туманида бўлиб, оила масалалари, никоҳланувчи ёшлар билан ишлаш, шунингдек, туманда ажримларни камайтириш, суд, ФҲДЁ бўлимлари билан ҳамкорликдаги ишларнинг ҳолати ўрганилди.**

Туман ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувда вазир ўринбосари томонидан туманда оилавий ажримларнинг олдини олиш, ёш никоҳланувчилар бўйича олиб борилаётган тарғибот ишлари натижалари юқори баҳоланиб, ушбу кўрсаткичлар нафақат вилоятимизда, балки республикамиз бўйича ҳам эътироф этса арзигулик эканлиги таъкидланиб, кейинчалик "Оҳангарон тажрибаси"ни йўлга қўйиш зарурлиги айтиб ўтилди.

**Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати**

# КАФОЛАТЛАНГАН ПАКЕТ ОЛДИНГИЗМИ?




Хўш, давлат тиббий суғуртаси нима? Унга рўйхатга киритилганлар қандай имтиёзларга эга бўлишади? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси вилоят бош мутахассиси Олимжон Исаков билан боғландик.

**– Олимжон ака, давлат тиббий суғуртаси ва унинг оддий суғуртадан қандай фарқи борлигини тушунтириб берсангиз?**

– Юртимизда инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлигига бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Айниқса, шифо масканларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ошиб, даволанувчилар учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

Фуқароларни давлат томонидан тиббий суғурталаш масаласи Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрда қабул қилинган "Соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини Сирдарё вилоятида жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида ўз аксини топди. Унга кўра, Давлат тиббий суғурта жамғармаси ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси эса соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш, давлат томонидан кафолатланган пакет доирасида аҳолига сифатли ва зарур тиббий ёрдам кўрсатиш этиб белгиланди. Ушбу янгича тизим орқали, касалликларни эрта аниқлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва кўламини янада оширишга эришилади.

Сир эмас, суғуртани кўпчилик мажбурий, фойдасиз нарса, деб тушунади. Сабаби, кўп ҳолларда одамлар мажбуран суғурта компанияларига тегишли миқдорда маблағ тўлаб, суғурта полислари сотиб олади. Унда кўрсатиладиган хизматлар акс этган бўлади. Оддий қилиб айтсак, "Суғурта маълум бир маблағ эвазига сени сақлаймиз, кафолатланган хизмат кўрсатамиз", деган маънода тушунилади.

Эндиликда эса давлат ҳисобидан ҳар бир фуқаронинг саломатлиги суғурта қилинмоқда. Фарқи: бунда аҳоли пул тўламайди. Давлат ҳар бир босқичда аввалги каби тиббий хизматни бепул кафолатлайди. Шундан суғурта маъноси келиб чиқмоқда. Бизнинг вазифамиз эса давлатнинг пули эвазига аҳолининг соғлиғини сақлаш. Давлат аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматни кафолатлаяпти. Аслида аввал ҳам давлат тиббиёти бепул деганимиз билан у текин бўлмаган. Бунинг учун давлат бюджетидан маблағ ажратилган.

**– Унда нима ўзгаради?**

– Деярли ҳеч нарса, фақат мурожаат тартиби ўзгаради. Авваллари бемор тор доира шифокорига мурожаат қилган бўлса, энди ҳар бир фуқаро ўз ҳудудидаги оилавий шифохонага бириктирилади. Оилавий шифохона эшигидан кириши билан уни рўйхатга олиш, шифокорга учраши, таҳлиллардан ўтиши ва ҳ.к. барчаси назоратга олинади. Кафолатланган хизматлар текин бўлади. Бироқ, унинг текинлигини таъминлашнинг шартлари, стандартлари, ҳажми бор.

Жумладан, аҳоли оилавий шифохонага бир неча сабабларга кўра келиши мумкин – профилактика учун, нимадир безовта қилса ёки ҳамшира эмлашга чақирганда. Агар фуқаро эшикдан кириб бошим оғриди, деса шифокор унинг қон босимини ўлчайди, қонини таҳлил қилиш, қанд миқдорини аниқлаш учун лабораторияга юборади. Шунда ҳам оилавий шифокор ташхис қўйишга иккиланса, беморни тор соҳа мутахассиси, мисол учун, кардиологга йўлланма ёзиб, кўп тармоқли шифохонага юборади. Шу тариқа ташхис қўйилади ва керакли дорилар ёзиб берилади. Жарроҳлик амалиёти керак бўлса, хизматлар доираси янада кенгайиб бораверади. Ҳар бир муассасада тиббий хизматлар рўйхати шакллантирилади. Зарур ҳолларда вилоят ҳамда республика даражасидаги шифохоналарга йўлланмалар берилади. Бир жиҳатни таъкидлаш керак, кафолатланган пакетга киритилмаган тиббий хизматлар пуллик асосда кўрсатилади.

**– Кафолатланган пакет эгаси қандай ҳуқуқларга эга бўлади?**

– Аввало, ҳар бир тиббиёт муассасасида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети ишлаб чиқилади. Пакетлар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва шифохоналарда Ўзбекистон фуқаролари, юртимизда доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тақдим этилади. Бунда энг катта ўзгариш – фуқаро пакет доирасида текширувлардан ўтади, шифокор тавсияси, йўлланма ва барча амалиёт электрон равишда амалга оширилади.

Эндиликда бемор текширув ва таҳлиллар натижасини билиш учун шифохонага келиши шарт бўлмайди, натижаларга қараб, оилавий шифокор стационар даволаниш учун қачон, қаерга бориши кўрсатилган йўлланмани беморнинг мобиль рақамига SMS қилиб юборади. Яъни, оилавий шифокорлар аҳолининг соғлиғи билан боғлиқ кўрсаткичларни мониторинг қилиш, касаллик тарихини юритиш, дори воситалари учун рецепт ёзиш ва кафолатланган пакетга мувофиқ тиббиёт муассасаларига йўналтиришни ягона электрон платформа орқали бажаради. Бу эса бемор ва тиббиёт ходимлари ўртасида юз бериши мумкин бўлган тушунмовчиликларнинг олдини олади. Негаки, ҳар бир фуқаронинг ўз рақами бўлади. Шу мақсадда кўчалар, маҳаллалар, уйлар кодлаштирилмоқда. Шунда фуқаро ҳудуднинг қаерида бўлса ҳам пакет доирасида тиббий хизмат олишга ҳақли бўлади. Пакетлар ҳаммага тенг бўлиб, муддати чегараланмаган.

Бунда бирламчи тиббий ёрдам шифокорларининг қабули, ихтисослашган мутахассислар билан маслаҳатлашиш (агар оилавий шифокорнинг тавсиялари бўлса), тест ва диагностика текширувлари (бу ҳам оилавий шифокорнинг йўлланмаси билан), тиббий кўрикдан ўтиш, скрининг текширувлари, эмлаш (миллий эмлаш тақвимига мувофиқ), тез ёрдам чақириш, бириктирилган поликлиникадан уйга оилавий шифокорни чақириш, қон ва унинг таркибий қисмлари билан таъминлаш каби яна бир қатор имтиёзлар мавжуд.

Шунингдек, тиббий хизматлар кўрсатилишидан олдин, аҳоли сони ва уларнинг касалликларининг хавф гуруҳлари аниқлаб олинади. Улар соғлом, касал, сурункали касал ва ногиронлар ёки ётиб қолганлар каби гуруҳларга бўлинади. Гуруҳлар базаси шакллантирилгандан кейин касалликларни эрта аниқлаш, соғломлаштириш, уларга ўз вақтида мунтазам ёрдам кўрсатиш борасидаги чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Аслида ҳам оилавий шифохонада профилактика тадбирлари ўз вақтида олиб борилса, одамлар амбулатория шароитда даволаниб, стационарга эҳтиёж қолмайди. Ҳозирда фуқаролар қандай ҳолатда, қайси касалликлар бўйича мурожаат қилади, зарур дорилар рўйхати борасидаги талаблар ўрганилмоқда.

Дарвоқе, келгусида кафолатланган пакет асосида тиббий хизматлар кўрсатишга нодавлат тиббиёт ташкилотлари ҳам жалб қилиниши мумкин. Бунда ажратилган бюджет маблағларининг самарадорлиги ва натижадорлиги Жамғарма томонидан доимий мониторинг қилиб борилади.

**– Вилоятимизда бу жараён қандай кечмоқда?**

– Барча шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмаларида ДТСЖси механизмларини жорий этиш, "Давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакети", "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида фаолият юритаётган "тиббиёт бригадалари" фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари", "Бирламчи тиббий-санитария муассасаларида шифокор олди кўриги хоналарини ташкил қилиш", "Беморларни тор мутахассис ва шифохоналарга йўллаш тартибини жорий этиш", "Реимбурсация, яъни аҳолини амбулатория шароитида бепул дори воситалари билан таъминлаш" мавзуларида семинарлар ўтказилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий суғурта механизмларини босқичма-босқич жорий этиш мақсадида ҳудудларда маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва тиббиёт ходимлари билан тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Бугунги кунгача, вилоятдаги 22 та шаҳар ва тумандан 16 тасида аҳолини тиббий ахборот тизими орқали оилавий шифокорларга бириктириш (mis.ssv.uz тизимига киритиш) бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Нозима РАСУЛОВА суҳбатлашди**

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

# "ҚОЧ, БЛОГЕР КЕЛЯПТИ!" ёхуд виртуал "қаҳрамонлик" синдроми



**Машҳур бўлишни ким ҳам истамайди, дейсиз. Бугун ижтимоий тармоқлар, ахборот технологиялари ва конвергенция жараёнлари жадал ривожланаётган бир паллада бундай замонавий имкониятлардан фойдаланувчи ҳар қандай одам учун бу борада шароит мўл: истасанг, ҳангоматалаб мардумни қизиқтирадиган гап айт ва ё ақча илинжида бирор акциянамо тадбир уюштир, жилла қурса, куракда турмайдиган қилиқ қилиб, қийшангла, хуллас, бор нағмангни ишга солсанг, бас! Уйда ўтирволиб, "қайнар булоқ" илҳомингни жазавага келтириб, телефонда тасвирга тушир, алқисса, шу аснода чинакам виртуал қаҳрамонга айлан!**

Ана шу орзу хаёллар аро сўнгги пайтларда юлдузнамоликка юз тутган "блогерчилик"нинг тобора ойдинлашаётган ўзига хос синдроми ҳақида мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз. Яъни, ўз субъектив қарашлари, саёз билим ва кўникмалари, пойинтарсойинтар фикру ўйларини достон қилиб, шов-шув ва фейклар тарқатиб, номини эл аро кўз-кўз қилишга урингичлар шаталоқ отиб, тобора босар-тусарини билмай қолмоқда, чоғи. Бундайлар онда-сонда учраб турибди, демоқ тўғри эмас. Аксинча, ажриқдай урчиб кетди бу тақлид "эъжод" маҳсуллари.

Тўғри, миллий блогосфера фаоллари — воқеалар жараёни булоқдек қайнаб ётган, кундалик ҳаётимизда танқис бўлмаган катта-ю кичик камчиликлар учраб турган, мутасаддилар тайинли изоҳ бермаётган, анъанавий оммавий ахборот воситалари, профессионал журналистлар ўз вазифасини кўнгилдагидек бажармаётган, зиёлилар эса, мумтоз сукутни афзал кўраётган мураккаб бир шароитда – ахборот майдонидаги бўшлиқни тўлдириш асносида пайдо бўлди. Улар беминнат ва тезкор хабарни оби-ҳаётдек шундоққина олиб, бамисоли "ташнаи зорлар"га узатмоқда. Шу боис, чин маънода фаол фуқаролик позициясини намоён қилаётган блогосфера вакилларига асло қаршилик йўқ.

Аммо бугун ўша – ўзини блогер, тик-токер, вайнер ва яна алламбалолар деб атаган қатлам шу даражада урчиб, арзон обрўга ишқибоз майнавозлар гуруҳи юзага келдики, асти қўяверасиз. Энг ачинарли, ва ҳатто, хавфли жиҳати шундаки, бу фаолиятни улар мисли "уртўқмоқ" қилиб, одамлар фикрини чалғитиш, инсон шаъни, қадр-қимматини поймол этиш, тамагирлик ва бошқа абгор усуллар билан бойлик орттириш каби қабиҳ бир йўсинда олиб бормоқдалар. Мижозлар эса, аниқроғи, жабрдийдалар: сизу биз, ёшу қари – интернетни улаб олиб, уззу-кун шундайларнинг "медиа-маҳсул"ларига термулиб, ўзимиз истамаган ҳолда вақтни ўлдираётган "бекорчи"лар.

Бугун "семиз бўлса-да, мазза-да" дея беўхшов чиқиш қилаётганлар ҳам, "морожний обер десангиз, обераман" дея бетамиз тренддан қолмаётган "мағфиратпараст"лар ҳам, тайёр қўшиғу клипнинг устига тасвир босиб, зўр ижод намунасини "олабўжи" қилиб, оёғини осмондан келтирган томоша ҳам, арзон хайп илинжида томоқ йиртаётган ёшяланг ҳам, кўча-кўйдан ўрганган беор сўзларни айтиб, томошагўйни мийиғида кулдираётган қизалоқ ҳам ўзича виртуал қаҳрамон. Ачинарлиси, бундайларнинг сони камайиш ўрнига, бемаза қовуннинг уруғидек ортиб бормоқда.

Очиғи, уларга айтилажак ҳар қанча танбеҳу дашномлар бекор ва бесамар. Айримларини 15 суткадан жазолаб ҳам тарбиялай олмаётганимиз бор гап. Бу бебошлар билан интернетни узиб ёки қайсидир тармоқни "қулфга солиб" курашиб бўлмаслигиниям, турфа мағлубу ғолиб шерлар тақдири-ю аъмолида, амалиётда бот-бот кўрдик. Начора, гуруч курмаксиз бўлмайди деганларидек, уларга қарши энг яхши қурол фақат ва фақат – маърифат, илм ва албатта, фарзандларга бериладиган тўғри тарбия. Буни эса, ҳар ким ўзидан, оиласидан бошламоғи лозим.

Дарвоқе, яна бир гапни айтмасак, инсофдан бўлмас. Бу тахлит "маймун ўйинлари"нинг илдиз отиб, бўй чўзаётганида ҳам, лўттибозларнинг омма орасида ўзидан хақпарвар ва жонкуяр журналист ясаб олаётганида ҳам – аслида, сизу биз, яъни чинакам аҳли қалам, аҳли матбуот саналган ростмана журналистларнинг, шу қозонда йиллар бўйи қоврилиб, аччиқ-чучукни обдон тотганларнинг ҳам "ҳисса"си мўл. Чунки, одатда бўшаб қолган ҳар қандай жозибали жойга ўзини ургувчи ҳам, ундан шахсий даромад ва манфаат манбаи сифатида фойдаланувчи ҳам мудом топилади.




Айни ўринда биз ахборот майдонини холис хабарлар, одамлар розилигини таъминловчи объектив ва ростгўй маълумотлар билан тўлдиришимиз керак. Фақат шундагина бундай нохуш ҳолатларга чек қўйилади, сохта "кўнгилочар" ва "ҳаётий" медиасафсатага ўрин қолмайди.

Агар шундай йўл тутилмаса, бу кетишда ўша макон савилни – азбаройи кетмонсоқол рўдаполару, юмшоқ феъл "қоқиндиқ"лар, шармандаю шармисор қўғирчоқлару, бетамиз нусхалар эгаллаб олиши ҳеч гап эмас. Токи эртамиз эгалари – нуридийдаларимизга қўшилиб, биз ҳам уларнинг тайёр "ўлжа"сига айланиб қолмайлик! Токи, эрта-бир кун аттанг қилиб, "тирсак тишлаб" ўтирмайлик...

**Эрали НОРБЕКОВ,**
**журналист**

Мавзуга доир

# ИНСОНИЯТ "ҒАРҚ БЎЛАЁТГАН ОЛАМ"



**Ер юзи бўйлаб, қарийб, беш миллиард киши ёки сайёрамиз аҳолисининг 60 фоизи ижтимоий тармоқдан фойдаланмоқда. Бу "Kepios" рақамли консалтинг фирмаси ўтказган тадқиқот натижасида маълум бўлди.**

Хулоса қилинишича, 2022 йил тармоқдан фойдаланган одамлар сони 3,7 фоизга кўпайган ва жами интернет аудиторияси (5,19 миллиард киши) билан тенглашган. Одамларнинг ижтимоий тармоқда ўтказаётган вақти ҳам ошиб, кунига ўртача 2 соат 26 дақиқага етган.

Ижтимоий тармоқда энг фаол қатлам: 16-24 ёш орасидаги хотин-қизлар экан. Энг суст қатлам эса 55-64 ёшли эркаклар бўлиб чиқди. Фойдаланувчилар, асосан, еттита платформага қўшилган, уларнинг энг оммабопи "WhatsApp", "Instagram" ва "Facebook". Шунингдек, ижтимоий тармоқда вақт ўтказиш минтақаларда фарқланади. Масалан, Шарқий ва Марказий Африкада ҳар 11 кишининг, атиги, бир нафари ижтимоий тармоқдан фойдаланса, Ҳиндистонда бундайлар ҳар уч кишидан бирини ташкил этади.

## СПОРТ янгиликлари

### ЯНА БИТТА ЙЎЛЛАНМА НАҚД

**Англиянинг Манчестер шаҳри парасузиш бўйича жаҳон чемпионатига мезбонлик қилмоқда.**

Эътиборлиси, турнирнинг 100 метрга эркин усулда сузиш (S 13 йўналишида) баҳсларида ҳамюртимиз Ислом Асланов маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва кумуш медалга сазовор бўлди. Шунингдек, у Париждаги Паралимпия ўйинларига лицензияни ҳам қўлга киритди.



### КУРАШЧИЛАРДАН 3 МЕДАЛЬ

**Туркиянинг Истанбул шаҳрида спорт курашлари бўйича U17 ёш тоифасида жаҳон чемпионати давом этмоқда.**

Айни пайтга келиб, юнон-рум кураши усталари ўртасидаги беллашувлар якунига етди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 1 та кумуш ва 2 та бронза медалларига сазовор бўлишди. Хусусан, -48 кг. вазн тоифасидаги баҳсларда иштирок этган Шаҳзод Рўзиохунов турнирнинг вице-чемпионига айланди. Айтжан Халмаханов (-55 кг.) ҳамда Исломбек Каримжонов (-65 кг.) эса бронза медалига эга чиқишди.



### АНА ХОЛОС!

**Хитой мезбонлигидаги Бутунжаҳон ёзги Универсиада ўйинларида енгил атлетиканинг 100 метрга югуриш баҳсларида Сомали вакиласи финишга қолган спортчилардан 10 сония кеч келиб, антирекорд қайд этди.**



Шармандали натижа жаҳон ОАВда овоза бўлгач, Сомали енгил атлетика федерацияси раҳбари лавозимидан озод этилди. Тафсилотларга кўра, у турнирга спортчини эмас, федерация вице-президентининг жиянини юборгани маълум бўлди...

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**
**Суҳробжон САДИРОВ**
**тайёрлади**

Коррупция — иллат

# БАЛИҚ БОШИДАН... адлия ходими пора билан қўлга тушди

**Тошкент вилоятида Давлат хизматлари маркази ходими пора билан қўлга тушди. Бу ҳақда Давлат хавфсизлик хизмати хабар берди.**

Хабарга кўра, Тошкент вилояти Зангиота тумани ДХМ ходими ўзганинг ишончига кириб, юқори лавозимда ишловчи танишлари орқали, унга Тошкент туманида жойлашган ва давлат захирасида бўлган 10 гектар суғориладиган ер майдонини 24 млн. АҚШ долларига сотиб олиб беришини айтган. Шунингдек, ер майдонига эгалик ҳуқуқини берувчи қарорни чиқартириб бериш эвазига келишилган суммадан 1,5 млн. АҚШ долларини беришини талаб қилган.

"Давлат хавфсизлик хизматининг Тошкент шаҳар бўйича бошқармаси ходимлари томонидан Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда, у олдиндан 200 минг АҚШ доллари олган вақтида ашёвий далиллар билан қўлга олинди", деб хабар берган ДХХ.

Маълум қилинишича, ҳозирда ҳолат юзасидан мазкур шахсга нисбатан Жиноят кодексининг 168-, 28- ва 211-моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилиб, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Назорат

# 476 ТА ҚОНУНБУЗАРЛИК АНИҚЛАНДИ

**Сўнгги йилларда республикада ер участкаларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш, янги ерларни ўзлаштириш ҳамда қайта муомалага киритиш борасида тизимли ишлар қилинмоқда.**

Бироқ, шунга қарамасдан ҳудудларда ер қонунчилигига риоя этмаслик, ер участкаларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш, хусусан, ноқонуний қурилмалар қуриш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаш ҳолатлари учраб турибди.

Мисол учун, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида Кадастр агентлиги Тошкент вилояти бошқармаси ҳамда ҳудудий бўлинмалар томонидан вилоятда олиб борилган мониторинглар натижасида жами 859 гектар ер майдонида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Бунинг оқибатида 889 та жисмоний ва юридик шахслар маъмурий жавобгарликка тортилган.

Биргина ўзбошимчалик билан ер майдонларини эгаллаш бўйича ҳудудда жами 476 та қонунбузарлик ҳолати қайд этилиб, умумий 56,3 гектар ер ҳеч бир хат-ҳужжатсиз аҳоли томонидан ўзлаштириб олинган. Шундан 81 та ҳолатда 36,72 гектар қишлоқ хўжалиги ерлари, 372 та ҳолатда 18,5 гектар аҳоли пункти майдонлари, 15 та ҳолатда 0,5 гектар сув фонди ва 6 та ҳолатда 0,5 гектар саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа ерлар ҳиссасига тўғри келади.

Бундан ташқари, мазкур ўзбошимча эгалланган ер майдонларида 106 та ҳолатда уй-жой қуриш, 208 та ҳолатда нотуражой қуриш, 2 та ҳолатда кўп йиллик дарахтзор барпо этиш, 2 та балиқ ҳовузларини ташкил этиш ва 148 та бошқа ҳолатлар қайд этилган.

Ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаган шахсларга нисбатан 437 та ҳолатда (50 гектар) бартараф этиш юзасидан ёзма кўрсатмалар юборилган бўлса, 121 та ҳолатда (7,9 гектар) қонунбузилиш ҳолатлари ихтиёрий бартараф этилган. Шунингдек, 131 та ҳолатда (20,43 гектар) фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво аризалари киритилиб, 58 та ҳолатда (30 гектар) қўшма тартиб асосида прокуратура органларига маълумот юборилган.

Аниқланган ер қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан қўлланилган жарима суммалари эса 7 млрд. 498 млн. сўмни ташкил этмоқда.

# "СЕЗОН" ДАВОМ ЭТАДИ

## *ёки ОТМга киритиб қўйишни ваъда берган фирибгар ушланди*



Давлат хавфсизлик хизматининг Тошкент вилояти бўйича бошқармаси ходимлари томонидан ИЖҚКД ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирда Юқори Чирчиқ туманида яшовчи шахс 2 нафар фуқарони Чирчиқ давлат педагогика университетининг бошланғич таълим йўналишига ўқишга киритиб қўйиш эвазига 12,5 минг АҚШ доллари олган вақтида ушланган.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан ушланган шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Давлат хавфсизлик хизмати матбуот бўлими**

# “ГАЗЕТА – ЎҚИШ УЧУН ЧОП ЭТИЛАДИ”




Китобда муаллиф бугунги босма нашрларнинг аҳволи ҳақида куюниб ёзар экан, бир нечта ечимлар келтирган. Одамларни газеталар келажагига бефарқ бўлмасликка, уларни увол қилмасликка чақирган. Ҳаётимизда матбуотнинг ўрни катта эканини исботлашга ҳаракат қилган. Хусусан, юқорида келтирганимиз “Газета – ўқиш учун чоп этилади!” сарлавҳали мақоласида билдирган мулоҳазалари

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

миллат маънавиятига бефарқ бўлмаган ҳар бир кишини ўйлашга, масалага теран назар солишга ундайди.

“Давлат арбоби Шароф Рашидовнинг номи бизга доим газеталарнинг кучини билдириб туради. Бу инсоннинг етук сиёсатчи бўлишида газетанинг ўрни муҳим бўлган. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби улуғ шоирларимиз ҳам шеъриятга илк қадамларини таҳририятда қўйган, шу ерда қалами чархланган. Афсуски, бугун “макулатура” сўраса қўлингизга газета, журнал тутқазадиган авлодга айландик”, дея куюнчаклик билан ёзади муаллиф.

Дарҳақиқат, ҳозирги технологиялар, ижтимоий тармоқлар босма нашрлар фаолиятига соя солгандек, гўё. Тўғри, газеталарнинг адади борган сари камаймоқда, аммо унинг ўқувчилари ва фидойилари бор ва улар анчагина. Ҳар бир хонадонга битта бўлса ҳам газета ёки журнал кириши керак. Баъзилар: “Ҳозир интернетда ҳамма нарса бор, газета керак эмас” деб бонг уришяпти. Ёки: “Босма нашрларнинг мавқеи йўқолди, энди газета ўқиш учун вақт сарфлаш шарт эмас”, дейдиганлар ҳам топилади. Лекин улар адашишади: газета йиртилиши, чўкиши ёки ёниши мумкин, аммо унга қасд қилинмаса у йўқ бўлиб кетмайди. Интернетда одамларни чалғитувчи ёлғон хабарлар истаганча топилади. Лекин газета ҳар доим ҳақ гапни ёзади, тасдиқланган маълумотни етказади. Таҳлилни эса фақат газета саҳифаларида ўқишингиз мумкин.

> **Газетани кераксиз бир парча қоғоз деб ўйлайдиганлар, шу газеталар кимлар учундир нондек азиз эканлигини билсалар эди.**

Биз бугунги интернет босқинларига қарамай, дунёда ҳар куни минглаб газеталар чоп этилаётганидан хабардормиз. Ҳолбуки, интернет деганлари АҚШ, Буюк Британия, Япония ёки Хитойда юртимиздагидан анча тезкор. Лекин бирортасида ҳам кундалик газеталарни чоп этишдан воз кечишмаган.

Биздаги лоқайдлик эса кишини хавотирга солади. Сабаби, газета ўқиш кишида мутолаа кўникмасини ҳосил қилади. Бундан хулоса шуки, газета ўқимаётган авлод китоб ўқишдан ҳам йироқлашяпти. Шундай экан, босма нашрлар тақдирига бефарқлик ёш авлоднинг саводхонлик даражасига ҳам салбий таъсир қилаётганини тушунишимиз лозим.

Китобдаги шу каби фикрларни ўқир экансиз, бунинг оқибатлари кўз олдингизда гавдаланади ва сергакликка чақиради.

Шунингдек, китобдан муаллифнинг турли нашрларда чоп этилган мақолалари ҳам ўрин олган.

Шу ўринда бир мулоҳаза: «Газета... дунёда беш кучлик давлат бўлса, олтинчиси, олтинчиси бўлса – еттинчиси...” деб бир аср аввал баҳо берган Чўлпон мутлақо ҳақ эди. Бугун “Газета нимага керак?”, деб бонг ураётган, интернетга муккасидан кетган айрим шахслар ўтмишга бир назар ташлаб, Чўлпоннинг бу гаплари мағзини чақсалар айни муддао бўларди. Ўтмишимиз учун, бугунги кунимиз, келажагимиз, фарзандларимизнинг тарбияси рисоладагидек бўлиши учун газета зарур. Муаллиф Алишер Тоиров китобининг мазмун-моҳияти ҳам шу, аслида.

**Нозима РАСУЛОВА,**
**“Тошкент ҳақиқати” мухбири**

**Мана гап**

*Корхона ёпилса ишсизлар, газеталар чоп этилиши тўхтатилса – саводсизлар кўпаяди.*

**Алишер ТОИРОВ**

Мулоҳаза

# ТАННИНГ ҲУЗУРИ

**Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.), Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Конфуций, Лев Толстой ва яна кўплаб буюклар кам ухлашни тарғиб қилишган.**

**Лекин “кам ухлаш” деганда неча соат кўзда тутилгани бизга маълум эмас.**

Наполеон, Сталинга ўхшаганлар суткасига 3 – 4 соат ухлагани айтилади ҳам. Бўлса, бордир.

Лекин, яна ким билади, ўтган замонларда вақтининг асосий қисмини уйқу билан ўтказадиганлар кўп бўлгандир ҳам.

Ҳозир эса техника замонида яшаяпмиз. Тўғри, цивилизациянинг одамзод учун аҳамияти – жуда катта. Лекин у, бир томондан, инсон меҳнатини осонлаштиради, иккинчи томондан, уни фаолликка, тезкорликка, ҳадди аълосида ҳушёрликка, тинмай меҳнат қилишга ундайди. Бу эса инсон жисму жони учун осон кечмайди.



Бундан ташқари, дунёда ҳозир 8 миллиард одам – бор. Сайёрамиз яралганидан буён ҳеч қачон бунча одамни боқмаган. Ерда, очиғи, бунча одамни тўйғазиш имконининг ўзи ҳам – йўқ. Шунинг учун ҳозирги пайтда яшаш учун кураш ҳадди аълосида кучайиб кетган. Ёши, жинсию ижтимоий аҳволидан қатъи назар, бу курашни, озгина бўлсин, камайтирган одам бой мамлакатда ҳам оч қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

Демак, биз стрессларсиз яшай олмай қолганмиз. Шаҳарда камида иккита транспорт воситаси билан ишга бориб келасиз, дейлик. Шунинг изтиробларини бир кўз олдингизга келтиринг. Шунча масофадаги ишингизга ўз автомобилингизда бориб келсангиз ҳам, руҳингиз қарийб шунча азоб чекади. Ахир, қадамда – светофор. Тирбандликни айтмайсизми?

Хуллас, ҳозир олимлар 24 соатни 3 бўлишни тавсия этишади: шунинг 8 соатини – ишга, 8 соатини – юз-қўл ювиш, соч тараш, соқол олиш, камида уч маҳал овқатланиш, ишга бориб келиш, бозор-ўчар ва бошқа кундалик эҳтиёжларга, 8 соатини – уйқуга сарфлашга тўғри келади.

70 ёшга етиб келган қатъий хулосам шуки, суткасига 8 соат ухламаган бирорта одамни, жисмонан, ҳатто, руҳан ҳам соғлом, деб ҳисоблай олмайман. Кам ухлаб ишлашга мажбур касб эгаларининг жиззакилигига-ку чидаб бўлмайди. Шунинг учун баъзи соҳаларда тинимсиз сўкиниб ишлаш одат тусига кириб қолган.

Ижод аҳлининг йўриғи – бутунлай бошқа: улар 8 соатдан ҳам кўпроқ ухлаши – шарт. Очиғини тан олиб айтаман: каминанинг бор кучи – тўйиб ухлаганидан. Шу ёшгача катта-кичик 70 га яқин китоб, 3 мингдан зиёд мақола ёзган бўлсам, ҳаммаси учун “жаноби уйқу”га таъзим қиламан!

Тўйиб ухламаган куним, лоақал, бирорта ўзимга ёқадиган жумла туза олмаганман. Ўзимга ёқмаган жумланинг бировга ёқишига ким кафолат беради?!

Яна бир сирни ҳам ошкор этай: суткасига бир марта ухлаб турган одамнинг бир одамчалик, суткасига икки марта ухлаб турган одамнинг эса икки одамчалик кучи бўлади. Шунинг учун касалхоналарда соат 15 дан 17 га қадар ухлаш жорий этилган.

Тўғриси, тушга бориб тузган жумлаларимнинг тузи қочаверади. Пешиндан кейин бир ухлаб туриб, янги илҳом билан ёза бошлайман.

Ўзи Худо товуқнинг кодига табиатан бир суткада битта туғишни жойлаб қўйган экан. Лекин илмий асосда тухум етиштириладиган фабрикаларда товуқлар тамоман ёпиқ хоналарда боқилади. Чунки бир суткани 4 га бўлиб, навбати билан 6 соат чироқ ёқилар ва кейин шунча муддат ўчирилар, шу тариқа “бечора” товуқнинг “онг”ига бир сутка икки сутка қилиб кўрсатилар экан. Шунда товуқ бир суткада иккита тухум берар экан-да...

“Интенсив метод” дегани – шу.

Замон ҳамма касб эгасидан, айниқса, қалам аҳлидан ҳам интенсив йўллар излашни талаб қилади.

Бу мулоҳазаларимга қўшилмаганлар ўз фикрида қолаверсин!

**Султонмурод ОЛИМ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси**

Туризм

# Сайёҳлик салоҳиятининг имкониятлари



**Тошкент вилоятида келгуси 7 йилда туризм соҳасида 1 минг 200 та лойиҳа амалга оширилиши кутиляпти. Бунга 2 млрд. доллар инвестиция киритиш режалаштирилган.**

**2024-2026 йиллар давомида Оҳангарон туманининг “Овжазсой”, Паркент туманининг “Невич” маҳаллалари ҳудудида туризм кластерлари ташкил этилади. Мазкур лойиҳалар ишга туширилиши натижасида 400 га яқин иш ўрни яратилади.**





Маълумки, Оҳангарон тумани ўзига хос табиати, иқлим шароити, қолаверса, муқаддас қадамжолари билан нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик сайёҳларнинг ҳам севимли манзилига айланган. Қурама ва Чотқол тоғ тизмалари, Оҳангарон дарёсининг ҳар фаслдаги гўзал манзаралари барчани ҳайратга солиши табиий.

Президентимизнинг 2022 йил 27 январдаги "Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан туманда туризмни, яъни меҳмонхона, умумий овқатланиш ҳамда транспорт хизматларини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширияпти. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланаётган туман аҳолиси ўз ўзини банд қилиш борасида бошқаларга ўрнак кўрсатмоқда. Айниқса, Эртошсой ва Овжазсой қишлоқларига “туризм қишлоғи” мақоми берилганидан сўнг ҳудудда сайёҳларга хизмат кўрсатиш ҳажми ортди.

Хусусан, Эртошсой қишлоғида яна 20 та оилавий меҳмон уйи ҳамда “Мустафо” дам олиш маскани фаолияти йўлга қўйилди ва 30 та янги иш ўрни яратилди.

Шу муносабат билан Тошкент вилояти туризм бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда оилавий тадбиркорларга махсус гувоҳномалар берилди.

Қайд этилганидек, эндиликда мазкур қишлоқда меҳмон уйларининг сони 85 тага етди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 2022 йилда бу қишлоққа олиб келувчи 11 километр йўл асфальтланди, тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Туристлар учун отда сайр, йўлтанламас транспорт воситалари билан Арашан булоғига саёҳат, ҳунармандчилик маҳсулотларини тайёрлаш каби хизматлар йўлга қўйилди.

Натижада Эртошсойга келаётган сайёҳлар сони кўпаймоқда. Давлат дастурлари асосида туманда туризм манзиллари инфратузилмасини яхшилаш чоралари кўрилмоқда.

**Ўз мухбиримиз**

Кўргазма

# Бизнинг мерос

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон санъат усталарининг Бадиий кўргазмалар дирекцияси фондида сақланаётган асарларидан ташкил топган ретроспектив кўргазмаси очилди.**

“Бизнинг мерос” деб номланган мазкур кўргазма Ўзбекистон рангтасвир ва ҳайкалтарошлик санъати усталарининг таваллуд саналарига бағишланди.

Экспозицияда намойиш этилаётган тасвирий санъатнинг турли жанр ва йўналишидаги 200 дан ортиқ асарлар ўтган асрнинг 40-йилларидан 2000 йилгача бўлган даврда яратилган. Улар Ўзбекистон тасвирий санъатининг тирик солномаси бўлиб, ўша даврларнинг ўзига хос пафоси ёркин бўёқларда акс этган.

Эътиборлиси, кўргазмада турли йилларда яратилган Тошкент вилоятининг гўзал табиати манзаралари акс этган “Хумсон”, “Чорвоққа йўл”, “Оқтош қоялари”, “Оқтошда ёз”, “Сўқоқда баҳор”, “Сўқоқ манзараси”, “Сўқоқ қишлоғида баҳор осмони”, “Янгийўллик колхозчи аёллар”, “Ангрен ГРЭСи қурилишида” каби асарларга кенг ўрин берилган.

Кўргазма намойиши 20 августга қадар давом этади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**




TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis:
TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va “Tashkentskaya pravda” gazetalari tahrir hay’ati:
Zoyir MIRZAYEV
*(tahrir hay’ati raisi)*
Ummat MIRZAQULOV
Hotamjon SAYDAHMEDOV
G‘afurjon MUHAMEDOV
Shavkatjon RAHIMOV
Tohir ARIPOV
Ravshan RAIMOV
Mahmud TOIR
Uskenboy ATEMOV
Abdulla XURSANOV
Mahmudjon BOLTABOYEV
Kumush EGAMBERDIYEVA
Olimjon BEGALIYEV
Zarifa ERALIYEVA
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
**G‘ayrat SHERALIYEV**

**Qabulxona:** (55) 520-64-95
**Bosh muharrir o'rinbosari:** (55) 520-04-10
**Mas’ul kotib:** (55) 520-05-10
**Bo‘lim muharrirlari:** (55) 520-06-20, (55) 520-04-20
**E'lonlar va hisob-kitob bo‘limi:** (55) 520-21-20
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Nashr uchun mas’ul:
**Kumush EGAMBERDIYEVA**
Navbatchi:
**Suhrobjon SADIROV**

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.
Bosishga topshirildi - 20:00
Nashr ko‘rsatkichi - 205.
Buyurtma G-731.
6 077 nusxada chop etildi.
Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog‘oz bichimi A–2.
**Bahosi kelishilgan narxda.**

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro‘yxatga olingan.

Manzilimiz:
111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo‘li ko‘chasi, 90.
Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko‘chasi, 2.
**ISSN 2010-9318.**

Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo‘jayev tomonidan sahifalandi.

Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi.

**«SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi.**
**Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.**

1 2 3 4 5 6